



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@uzpak.uz

2002 йил 19 октябрь, №227 (3055)

Шанба

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

18 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Ташкилот раҳбарининг мамлакатимизга ва умуман Марказий Осиё давлатларига ilk бор қадам ранжида қилиши. Шу жиҳатдан ҳам ташрифни тарихий воқеа сифатида баҳолаш мумкин.

“Дурмон” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу Ўзбекистон ва умуман минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш, долзарб муаммолар юзасидан бафуржа фикр алмашиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Музокара якунларига бағишланган матбуот анжуманида Ислам Каримов суҳбат очиб ва самимий руҳда ўтганини, томонлар кўплаб масалалар юзасидан фикрлашганини маълум қилди.

Мулоқотимиз давомида эътибор қаратилмаган масала қолмади ҳисоб, — деди Президент. — Террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизлик, Орол муаммоси, тараққиёт масалалари, Ўзбекистон-БМТ муносабатлари теран таҳлил этилди. Биз Кофи Аннани нафақат БМТ Бош котиби сифатидаги расмий шахс, балки Нобелнинг Тинчлик мукофотида сазовор бўлган йирик сийат ва жамоат арбоби сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. У билан суҳбат давомида БМТ Ўзбекистон ва Марказий Осиёга оид масала-



лар билан жиддий шугулланаётганига амин бўлдим. Кофи Аннан мулоқот давомида минтақамиздаги сув захираларидан унумли фойдаланиш, давлат бошқаруви, инсон ҳуқуқлари каби соҳалар бўйича ҳам кенг қўламада фикр алмашишганини маълум қилди. Ўзбекистон-БМТ муносабатлари шиддат билан ривожланаётганидан мамнуниятини изҳор этиб, кел-

гусида бу алоқалар янада ривожланишига умид билдирди. — Утиш даври — мураккаб давр, — деди БМТ Бош котиби. — Марказий Осиё бўйлаб сафарим давомида минтақанинг барча мамлакатларига бориб, мавжуд вазият билан яқиндан танишиш, давлат раҳбарларининг фикрларини ўрганиш имконияти туғилганидан мамнунман. Шунингдек,

шонли тарихга эга бўлган Ўзбекистоннинг қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат этиш чоғида мамлакатимиз билан, халқимиз билан янада яқинроқ танишаман, деган умиддаман.

Матбуот анжуманида Ўзбекистоннинг БМТни ислоҳ қилиш борасидаги ташаббуслари ҳақда қай даражада ўз аксини топаётгани борасидаги саволга жавоб берар экан Президент Ислам Каримов, БМТни ислоҳ қилишга эҳтиёж катта эканлигини таъкидлади.

Замонавий ёндашув йўллари излашга шай бўлиши керак. Марказий Осиё нуқтани назардан олганда, гуманитар соҳадаги алоқалар, Оролбуйидаги вазиятни яхшилаш, наркотик моддалар контрабандаси ва ушган жиноятчиликка қарши кураш борасида БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Лекин хавфсизлик, хусусан, минтақада террор ва экстремизм таҳдиди кучайишининг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик самара бермади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг Афғонистонда “Толибон” ҳукмронлик қилган вақтларда толибларга нисбатан сиёсат бўйича қабул қилган резолюциялари амалда иш бермади. БМТ Хавфсизлик кенгаши рози-лиги билан АҚШ раҳбарлигидаги халқаро аксилтеррор коалицияси қўшни юртда террорчиларнинг уяларини тугатмаганида, ҳозиргача қандай вазият юзага келишини тасаввур қилиш ҳам қийин. БМТни ислоҳ этиш борасида ҳам амалий ўзгаришлар кўринмапти.

Кофи Аннан инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳамкорлик мавзусига оид саволга жавоб қайтарар экан, ташкилотнинг бош вазирларидан бири ҳам демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилгани, Ислам Каримов билан мулоқот чоғида бу масала атрофида муҳокама этилганини таъкидлади.

БМТ Бош котиби Ўзбекистонга уч кунлик расмий ташрифи доирасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Ў.А. СУРАТДА: учрашувдан лавҳа. А. Тўраев олган сурат.

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош котиби Кофи Аннан раҳбарлигидаги делегация 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

— Ўзбекистон БМТ ҳамда унинг барча институтлари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, — деди жумладан, Олий Мажлис раиси Эркин Халилов юқаск меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан.

— Ўзбекистонда БМТнинг кўплаб ташкилотлари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг раҳбарлигингизда мазкур халқаро ташкилотда амалга оширилаётган тузилмавий ислохотлар БМТнинг обрўсини янада оширишга хизмат қилди.

— Пойтахтимиз Тошкентни кўриб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлгандан кейин қай даражада тараққиётганига тўғрисида саволга жавоб берди.

— Пойтахтимиз Тошкентни кўриб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлгандан кейин қай даражада тараққиётганига тўғрисида саволга жавоб берди.

Котиби Кофи Аннан. — Бу ўзгаришлар мамлакатимизда мустақам тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганига яққол далилдор. БМТ Ўзбекистоннинг минтақада ва сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш йўлида олиб бораётган ташқи сиёсатини ва бу борада халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди.

Суҳбат чоғида меҳмонда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, Парламентимиз фаолияти, хусусан, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Келгусида бу борада БМТ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)

НАТО ВАКИЛЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган НАТО Парламент Ассамблеяси делегацияси аъзолари 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Шимолий Атлантика иттифоқи самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани таъкидланди. НАТО мамлакатимиздаги иқтисодий-сиёсий жараёнларни кузатиб бориш билан бирга, ислохотларга имкон қадар кўмаклашиб келаётгани, Ўзбекистон эса НАТО ташаббуси билан ўтказилаётган турли дастур ва лойиҳаларда фаол иштирок этётгани бу фикрнинг далилидир.

Олий Мажлисидаги учрашув чоғида НАТО вакилларига Ўзбекистондаги ислохотлар, хусусан, мамлакатимиз қўни чўқарувчи органининг фаолияти,

уни такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди. Томонлар Ўзбекистон билан Шимолий Атлантика иттифоқи ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, жумладан, қўничилик соҳасида тажриба алмашишини янада кенгроқ йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашди.

Шу кунги НАТО Парламент Ассамблеяси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Макрониксиёти ва статистика вазирлигида ҳам бўлиб, Бош вазир ўринбосари, мазкур вазирлик раҳбари Рустам Азимов билан учрашди.

(Ў.А.)

Нуқтан назар

Маълумки, жамиятнинг демократик даражаси учта асосий мезон билан аниқланади. Биринчиси — халқ қабул қилинаётган қарорлардан қанчалик воқиф (хабардор); иккинчиси — ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар халқ томонидан қандай назорат қилинмоқда?; учинчиси эса «Оддий фуқаро давлатнинг бошқаришда қандай қатнашапти?» деган мезондир.

Жамоатчилик фикри — тараққиёт негизи

Мана шулардан келиб чиқадиган бўлса, жамоатчилик фикри орқали халқнинг бевосита ва билвосита давлатни бошқаришдаги иштироки сезилди. Шунинг учун Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуришда жамоатчилик ва унинг фикрига таяниш устувордир. Давлатимизда ҳар қандай қўничилик, ҳукумат қарорлари халқимизнинг фикри инобатида олинган ҳолда қабул қилинмоқда. Жамоатчилик фикрининг ўрганиш бўйича ташкилотлар, илмий тадқиқот марказлари шаклланипти. Кишилар онгидан янги фикрлар, воқеаларга янги, ватанпарварлик нуқтани назардан туриб баҳо бериш ҳал қилувчи омилига айланмоқда. Лекин бу жараён ўзига хос қийинчиликлар, оғир синовлар орқали кечмоқда. Узоқ йиллар давомида ижтимоий онг янги ҳукмрон мафкура остида шаклланигани учун, омма онгидан ўзгаришлар секин юз бермоқда. Айрим ҳолларда ижтимоий онгдаги ўзгаришлар ижтимоий,

сиёсий, иқтисодий ўзгаришлардан орқала қилиб кетмоқда. Натижада эски гоялар, қонинлар, эскича фикрларнинг бошқаришдаги иштироки тўғрисида қилмоқда, ижтимоий ҳаётда демократик институтлардан кўра, аънанвий институтлар устуғлиқ қилимоқда. Масалан, жамоатчилик фикри билан ҳақиқат расмий каналлар (радио, газета, ТВ ва ҳ.к.)га нисбатан норасмий каналлар орқали тез тарқалиб, шаклланапти.

Бундан ташқари жамоатчилик фикрининг ўрганиши ва шакллантирувчи институтлар секин ривожланимоқда. Жамоатчилик фикри шундай нарсани, у тезда ўзгариши, бироқ буни вақтида илгарилаштириш, ҳеч қандай керак бўлмади қилиши мумкин.

Жамоатчилик фикри деганда, умуман, жамиятдаги қаттақон кичик одамлар, раҳбар ходимлар — барчаннинг юз бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга, воқеаларга нисбатан фикри ва баҳоси тушулушлидир.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг январь-сентябрь ойларидagi ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари ва республикада иқтисодий ислохотлар жараёнини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди

Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, оммавий ахборот восит-

лари вакиллари иштирок этди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир У. Султонов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазир Р.Азимов маърузасида республикада ўтказилаётган ислохотлар иқтисодийнинг макро-

иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулот (103,0 фоиз), саноат маҳсулотлари (107,8 фоиз), қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (101,7 фоиз), чакана товар айланиши (103,6 фоиз) ва аҳолиги пуллик хизмат кўрсатиш (112,0 фоиз) бўйича ушш имконини берганлиги таъкидланди.

Давлат мулкчилик улушига эга зарар кўриб ишлаётган, тўловга лаёқатсиз ва иқтисодий ноқор корхоналарни тугатиш, уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш, акционерлаштириш ва қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалга оширилмоқда. Шунинг-

дек, бу борада нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятидан тўшаётган даромадлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан яширишнинг олдини олишга оид тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Валюта сиёсати, ташқи иқтисодий фаолиятни эркин-

(Давоми 2-бетда.)

Парламентлар ҳамкорлиги

Олий Мажлисининг Қўничилик масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Европа Иттифоқининг ТАСИС лойиҳаси доирасида Франция пойтахти Парижда бўлди.

Ўзбекистон вакиллари олти кун давомида Франциянинг икки палатаси — Сенат ва миллий Ассамблеяда бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Мазкур ташриф икки давлат ўртасида парламентларо ҳамкорлигининг янада ривожланишига муҳим ҳисса қўйиши, табиий.

Сўнгги хабарлар

Ўзбекистон — Россия моторлари

Асқад мотор таъмирлаш заводи негизинда янги ташкил этилган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига “Уроосмотор” номи берилди. Бунда Ўзбекистон томони ишлаб чиқариш цехи, ёрдамчи қурилмалар, алоқа тармоғи билан таъминланди, “Владимир трактор заводи” акциядорлик жамияти янги технологиялар, трактор моторлари учун эҳтиёт қисмлар ва фурнитурга etkazиб берди.

Айни пайтда корхонада 60 от кучига эга моторлар ишлаб чиқарадиган участкалар барпо этиляпти. Моторлар Ўзбекистоннинг “Т-28” русумли чопиқ тракторларига ўрнатилади.

Неврологлар анжумани

Тошкентдаги врачлар мажалисини ошириш институтида республика неврологларнинг қурултоғи бўлиб ўтмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар мажалисини ошириш институти ва республика Неврологлар уюшмаси ташкил этган ушбу анжуманда сўнгги ўн йил мобайнида соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизиминда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида неврологлар олдига турган вазифалар муҳокама қилинмоқда.

Ватанимиз шаънини улуғлаганлар



Ўзбекистон спортчилари Осиё уйинларида учинчи марта қатнашдилар. Агар улар 1998 йили Таиланд пойтахти Бангкогда бўлиб ўтган Осиё уйинларида 6 олтин, 22 кумуш ва 12 бронза медалларига сазовор бўлган бўлсалар, бу гал Жанубий Корейнинг Пусан шаҳрида медаллар сони ва салмоғининг янада юқори бўлишига эришилди. Республикаси вакиллари бу ерда 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза — жами 51 медални қўлга киритиб, 40 дан зиёд мамлакатлар ўртасида фахрли 5-уринни эгаллаганлари фикримизнинг тасдиғидир.

Пусандаги мусобақаларда, хусусан, эркин кураш устаси Дилшод Мансуров ўз вази тоифасида гиламга чиққан полковлар ичида тенгсиз эканини яна бир қара исботлади. У жамоамиз газнасига олтин медал ҳада этди.

Газетамизнинг 4-саҳифасига қаранг.

Газетада босилмади, аммо...

Талаб қондирилди

Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 31-уйда истиқомат қилувчи бир гурӯҳ аҳоли тахририятимизга йўлдаган шикоят хатига иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти ёмонлиги, ертўладаги қуурулар яроқсиз ҳола келиб қолгани тўғрисида ёзилган. Биз ушбу ҳолатларни текшириш ва зарур чора-тадбирлар кўриш учун Бухоро вилояти ҳокимлигини жўнатгандик. Яқинда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.АТОЕВ илҳоси билан қўндаги расмий жавобни олдик:

— Шикоят хати вилоят ва шаҳар ҳокимликлари мутахассислари томонидан аризачилар ишториқда жойида атрофлича ўрганилди. Шу жараёнда уй аҳолисини иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш тармоқлари, ҳақиқатан ҳам, эскирганлиги аниқланди. Иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув etkazиб беришни яхшилаш мақсадида қуурулар жорий таъмирланди. Барча хонадонлар иссиқ ва совуқ сув билан тўлиқ таъминланди. Ертўлада янгилиб қолган ахлат ва чиқиндилар чиқариб ташланиб, дориланди.

Арзғўйлар кўрилган чоралардан қўниқ шикоят қондирилди.

Башар гулшанидаги самар

21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Тил миллатнинг руҳи, қалбидир. Уни миллий ғоя, мафкура ва тафаккурнинг жонли муҳассами, десак янглишмай-миз. 1989 йилнинг 21 октябрь куни она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши — Мустақиллик сари кўйган илк қадамларимиздан бири эди.

Миллатнинг улкан бойлиги

Зеро давлат суверенитетининг асосий тамойилларидан бири — давлат тилига эга бўлишидир. Шу боис «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг муқаддасида «Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир», деб эътироф этилган эди. 1995 йилнинг 21 декабрь куни ўшбу қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахририда қабул қилиниши ўзбек тилининг янада бойлиги ва ривожланиши учун кенг шароитлар яратиб берди.

Этибор беринг: адресманзил, запас-захира, инвестиция-сармоя, инженер-муҳандис, инструкция-йўриқнома, квалификация-малака, коллегия-ҳайъат... дейилиши тилимизнинг янада сержилло бўлишига олиб келди. Бунда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан 1990 йилда чиқарилган «Ўзбек тилида иш юритиш» ва 2000 йилда чоп этилган «Иш юритиш» қўлланмалари ҳамда қатор бошқа нашрларнинг аҳамияти катта бўлди, албатта.

Қабул қилинаётган қўлаб қонунларимизда ҳам бир қатор ҳорижий сўзлар ва атамалар мажмуқли, уларнинг айримларини тушуниш қийин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексидида ишлатилган «оператив бошқариш», «национализация», «реквизиция», «мунишипал», «солидар», «неустойка», «пенна», «сумма», «ипотека», «закалат», Меҳнат Кодексидидаги «компенсация», «прогул», «смена» каби русевропа сўзларининг ўзбек тили лугатига таржимаси ва тушуначасини топиш мушкул эмас.

Яна бир мулоҳаза: баъзан суд жараёналарида прокурор ва адвокат нутқларини тинглаганда, судьялар чиқишини кузатганда бўй ва айни пайтда содда ўзбек тилининг нечоқли гализлашган кетганини ачинасан киши. Ахир, айнан «юрислар тили» аниқ ва равшан, қисқа ва лўнда, бир сўз олишлари мушкул. Бунинг устига уларнинг аксарияти орфографик хатоларга тула. Стистика ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ваҳоланки, юридик институтда бошқа олий ўқув юрларининг ҳуқуқшунослик факультетларида ўзбек тили ва адабиёти махсус фан сифатида ўқитилмади. Балки, ўқув дастурида ўзбек тилига яна ҳам кўпроқ вақт ажратиш зарурмикан? Бундан ташқари, агар мутахассислар лозим топсалар ўзбек тили ва адабиётдан ташқари нутқ маданияти ҳам дастурга киритилса, айни муддао бўлурди.

Тил меъёрларини билиш, қонун-қоидаларига риоя этиш ҳар бир киши учун, айниқса, давлат ва жамоат идораларида фаолият кўрсатаётганлар учун ниҳоятда зарурдир. Негаки, улар адабий тилининг барча услубларини қўлайдилар. Нутқ ва маърузалар қўлайдилар, қарор, буйруқ, қўрсатма, ахборот, баённома, режа тайёрлайдилар, турли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар.

Шунинг учун ҳам тилимиз мусаффо, нутқимиз тушунарли, иш ҳужжатларимиз қанчалик сифатли бўлса, аввало ўз миллатимизни эъозлаган ва кейинги авлодларга хурмат баҳо келтирган бўлармиз.



Ўқитувчи деганда кўз олдимишга бағри кенг, меҳрибон ва заҳматкаш инсонлар келади. «Ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила» дея улуғлайди уларни.

Суратда юз-кўздан меҳр ёғилиб турган аёл Феруза Сайдалиева ана шундай фидойи ўқитувчилардан. У Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги бошланғич таълим-тарбия марказида бошланғич синф ўқувчиларига дарс беради. Болажонларда ўз она тили — ўзбек тилига меҳр-муҳаббат уйғотишга иштилоиди.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ТИЛИМ

Ифтихор қиламан сен билан, тилим, Нечоғ сеҳрлисан, жозибалисан. Менинг ўзбекона хислатли дилим, Кўп жиллар бергунг тилга ҳали сан.

Кимки Навоидан оғох, билар ул Ўзбекнинг бир лутфи салоҳиятини. Жонолар лабида қаҳ-қаҳ урар гул, Тингласанг вафога маҳрам ниятини.

Ота-боболари жаҳон аҳлини Оғизга қаратган халқнинг ўлиман. танимасдан ҳали кўлар ақлини, юлдўзларга боққан кўзи мўғлиман.

Чалғиб юрганида кўларнинг фикри, Чақдим Кадам илми моҳиятини. Имом Бухорийнинг ҳар теран зикри Боқий этди ҳадис офиятини.

Тилимда нечоғлик ифтихорим бор, Буни қийин сўзда ифода айлаш. У шунчалар нозик, шунча жилавак, Зарур уни фақат севиш, авайлаш.

Бу тилимнинг ҳар сўзи онадай азиз, Онадай муқаддас, онадай суюк. Фарзандлари севган учун шубҳасиз Бу тил мангу яшар, абадий буюк!

Жонибек СУБҲОН.

Ўқишга, билишга бу таржимон тил, Рўшноликка элтар кишини у, бил. Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Мана 13 йилдирки, Мухимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институтини қошида «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» илмий-амалий методик маркази фаолият кўрсатиб келяпти. Доимий ҳаракатдаги бу марказ ҳар йили икки марта ўзбек тилининг долзарб муаммоларига бағишланган анжуманлар ўтказиб туради.

Марказнинг хайрли ишлари

Марказни ташкил этишдан мақсад «Давлат тили ҳақидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини мақсадга тарбия муассасаларидан тортиб, олий ўқув юрларигача бўлган таълим тизимида мукамал қўлаш, мазмун ва моҳиятини халқ оммасига тушунтиришдан иборат, — дейди институт ўзбек тилишунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Носиржон Охунов. — Биз ўтган йиллар мобайнида ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитиш мазмунини янгилаш, янада такомиллаштириш борисда қатор илмий, педагогик тадбирларни амалга оширдик. Натигада марказнинг фаол ҳаракати туфайли узлуксиз таълим тизимида тил ўқитишнинг ўзига хос йўналиш ва услублари пайдо бўлди.

Илмий-методик марказ мазкур қонуннинг олий ўқув юрларига бажарилиши, янги ўқув дастурлари, қўлланмалар ҳамда дарсликларнинг қўлашшига ҳам амалий қўмак берди. Ўзбекистон Миллий университети олимлари томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида «Ўзбек адабий тили», «Ўзбек диалектологияси», «Нутқ маданияти ва услуби асослари», «Ўзбек тили ўқитиш методикаси», «Умумий тилишунослик», «Ўзбек адабий тили тарихи», «Қадимий туркий тиллар» фанлари бўйича янги дастурлар ишлаб чиқилди.

Келгуси йилнинг апрель ойида Наманган шаҳрида «Ўзбек тили таълимида миллий истиқлол ғояси» мавзусидаги илмий анжуман бўлиб ўтди. Марказ олимлари, мутахассис ва талабалар айни пайтда шу йриқ анжуманга маърузалар ҳозирлаш, ўзбек тили тўғрисидаги Қонуннинг Фарғона вилоятида бажарилишининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий ҳулосаларни тайёрлашга киришти.

Хуллас, институт қошидаги илмий методик марказ она тилимизнинг нуфузи ва қадриятларини янада баланд кўтариш, қонун асосида илмий таълиқ натижаларининг ҳаёта татбиқ этиш борисда амалга оширилаётган ишларини доимо эътиборда тутишти.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Тилимни пухта тутғил, тишинг синдирур, Чикарса ёмон сўз, тишинг сиймоғи тайиндур. Аҳмад ЮҲНАКИЙ.

Илмий анжуман

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида лотин ёзуви асосидаги янги имло ҳамда ўзбек тилини ўқитиш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги олий ўқув юрларининг ўзбек тили ўқитувчилари, олимлар иштирок этди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ҳам уч йил бўлди. Мустақиллик боис она тилимизга бўлган хурмат, эҳтиромни ифодалаш имконининг янада кенгайди. Қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ҳамда уни амалга ошириш давлат дастурининг икроси туфайли она тилимизнинг қадр-қиммати беқийёс даражада ортди.

Анжуманда «Мустақиллик ва давлат тили», «Тил — маънавий белгиси», «Давлат тили ва таълим муаммолари» каби мавзудардаги маърузалар катта қизиқиш билан тингланди. Таълим жараёнида талабаларга ўзбек тилини янада мукамалроқ ўргатиш, лотин ёзуви асосидаги янги имло негизини давлат таълим стандартлари, дарсликларнинг янги авлодини яратиш хусусида фикр-мулоҳаза юритилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Пирлар бизга ёр бўлди

Халқимизда омад ёр, пирлар мадалор бўлсин, деган ибора бор. Бу иборанинг нақдлар тўғри эканлиги 1989 йилда аяққол кўринди...

Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ўғитлари, сабоқлари бугунги кунда бизга сув ва ҳаводек зарур эканлиги маълум. Унинг айниқса ўзбек тилини давлат тили даражасига кўтариш учун қилган сай-ҳаракатлари 1989 йилда бизга йўлчи қўлди бўлиб хизмат қилганлигини мамнунийи билан эслаймиз.

Ўзбек тилига давлат мақоми беришга қарши турганлар бу тилининг лугат бойлиги 60.000 сўздан иборат, рус тили жуда бош, унда 100.000 дан орттиқ сўз ва бирикма бор деб вақ қўрсатдилар. Шунда Алишер Навоий ижодига мурожаат этдик. Шойримиз форс ва ўзбек тилини солиштирар экан, форслар ичмоқ маъносидда фақат бир сўз — нушидан феълини, ўзбеклар эса бу маънони уч сўз билан ифода эта олиши имкониятига эга эканлигини қўяйди миқдодлар орқали кўрсатиб берганди:

Сингармоқ — бир ичишда бўшмоқ.
Соқий, тут бодаким,
бир лаҳза ўзумдин борай.
Шарт буюким, ҳар неча тутсансе лабалаб синқарай.
Тамшанмоқ — оз-оз ичмоқ.
Соқий, чу ичиб,
манга тутар қўш
Томшиқ-томшиқ
ани қилай кўш.

Бўхсамоқ — бўқиб ичмоқ.
Ҳажер андуҳида бўхсабмен,
била олмак немай,
Май шозанулар кўлүб
Дайли фаного азм этай
Алишер Навоий «Муҳокамат-ул-лугатайи»нда форсча тартидан феълни ўрнида ўзбеклар этти сўз ишлатишини таъкидлайди.

Йилгамак — оз йилмоқ.
Заҳид ишқин десаки,
қилгай фош,
Йилгамакни кўзига
кемалас ёш.

Инграмак ва синграмак — секин йилмоқ.
Испасан дивр аҳлидин
ишқинини ниҳон айламак
Кечлар гош иерамакдур
одатим, гош синграмак.
Синграмак — кўн йилмоқ.
Ул айди, кула-қула
қирогатти мени
Йилгамак мени демайки,
сиқатти мени.

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари доктори.

Мухтор ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
бошқармаси бошлигининг
уринбосари, одлия
маслаҳатчиси.

Кўнгал дуржи ичра
сўхар — сўздурр.
Башар гулшанида
самар — сўздурр.
Алишер НАВОЙ.

Янги имло сабоқлари

Республикамизда 1993 йилнинг 2 сентябридан «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Қонун қабул қилиниб, 1995 йилнинг 24 августида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўзбек тилининг асосий имло қоидалари ҳам тасдиқланган эди.

Ўтган йиллар мобайнида янги ёзув турмушнинг кўпгина жаҳаларида фаолият кўрсата бошлади. 1995 йилнинг май ойидаги муҳокамада баъзи мунозарали ўринлар тахрир этилиб, бартараф қилинган бўлса-да, айрим чалқашликларга ҳозир ҳам йўл қўйилмоқда. Бу нимада кўринади? Маълумки, ҳарфлар ёзилиш шаклига кўра босма ҳарфлар, ёзма ҳарфлар деб икки турга ажратилади. Буларнинг ҳар бири қўлланган ўрни, кўриниши жиҳатидан кичик ҳарф ва бош ҳарфлар бўлиб билинади. Ўзгартиришлар киритилган алифбода 26 ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси бор. АНА шу ҳарфлар бирикмаси SH, CH, Nларнинг босмачаси Тошкентда чоп этилган жаҳвалларнинг деярли барчасида Sh, Ch, ng тарзида нотўғри берилган. К.Абдуллаева ва бошқаларнинг 1999 йилда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган 1-ёзув дафтарининг матнларида ҳам SH, CH, NG тўғри қўллангани ҳолда дафтарнинг юқори қисмида берилган босма ҳарфлар Sh, Ch, ng тарзида нотўғри ёзилган. Бундай нохуш ҳолатни Э.Мали-

Фахр

маънода ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилига сўзлай олиш ва уни хурмат қилишга мажбур. Тилга эътибор — элга эътибор эканини бугун чуқурроқ англаймиз. Бу аввало тўғри сўзлашни ўрганишимиздан бошланади. Кўча-кўйда ўзбек тилига сўзлай туриб, баъзан ўринсиз чет сўзларни ишлатами. Дейлик «окей», «браво», «привет», «бай-бай»... Аслида бу она тилимизга бўлган хурматсизлик эмасми? Ахир ҳар биримиз она

ни олганда, радио, телевидение, турли хил газеталарнинг янги алифбосини тўғри ташвиқ қилишда фаол иштирок этиши лозим. Афсуски, улар ўқувчиларни чалқаштирмақда. Яқинда «Ешлар» телеканалида тест берилди, ундаги жавобларнинг бири-да АТОЙИ АТОЙИ деб нотўғри ёзилди. Дарсликда АТОЙИ, телевидениеда

АҲОЙИШга кўникиб кетдик, лексин Я, Ю, Ё, Е ли исмларнинг қисқартирилиши поёнига етказилмаган, демоқдалар ўқитувчиларимиз. Чунони Y.ABDUL-LAYEVНИ олайлик, ундаги Y Юсуфим, Яхшибойми? Юсуф бўлса Ю деб, Яхшибой бўлса Яа деб ёзсақ, уларни бир-биридан ажратиш осон бўлмайди?

Мухтасар қилиб айтганда, «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилингани 9 йил бўлиб, умумтаълим мактабларининг 9-синфи ҳам янги алифбода таълим олишни бошлаб турган бир пайтда барча турдаги ёзувлар, қўлланмаларда хатоларнинг учраши хатомизга салбий таъсир қилмай қолмайди. Шунинг учун бундай нохуш ҳолатларни бартараф этишнинг ягона йўли — жойлардаги атамалар қўмитаси ҳамда нашрларнинг ўшбу масалага бўлган масъулиятини янада оширишидир.

Пирназар САФАРОВ,
Самарқанд вилояти педагогларини қайта тайёрлаш ва малякасини ошириш институтининг кафедра муdiri,
филология фанлари номзоди.

Ёзувимиз мукамал бўлса...

ковнинг «Шарқ» НМК босмаҳонасида чоп этилган «Ўзбек алифбосини ўрганамиз» китобчасида ҳам учратиш мумкин. Демак, имло қоидамизда «Турли шорлар, чақирқлардаги ҳамма ҳарфлар би-шу жумладан, ҳарфлар бирикмасидаги ҳарфлар ҳам босмача бош ҳарф билан ёзилади» дейилган бўлсаю, жадвалимиздан уларнинг босмачасини топмасак.

Ўзбек тилида иш юритишда қабул қилинган адабий нормалардан ташқарида чикиш мумкин эмас. Шунга кўра, 1995 йилда қабул қилинган имло қоидамизда араб рақамларидан сунг -ничи, -инчи, -сонли деб талаффуз этсақ, уларни билдирувчи чиқиқчани (-) қўйишимиз шарт дейилган. Афсуски, кўпгина нашрларимиз ҳали ҳамон N (номер) қўйиб, юқоридаги қоида билан ҳисоблашмаптилар. Асли-

АТОЙИ деб ёзилса, ўқувчи қайсига ишонсин?
Икки оғиз сўз ўтиш-кўчиш белгисининг ишлатилиши ҳақида. Аввало, ўтиш-кўчиш деганимизда O га апостроф белгиси қўйилса, O нинг O' (Ў)га ўтиши ёки G га қўйилса, G' (Ғ)га кўчиши қўла тутилади. Ўтиш-кўчиш белгиси босма ҳарфларда шу ҳарфининг юқори қисми баробарлигида тескари вергул шаклида ёки қўштирчоқ ёпилишидаги (') белгисининг биттаси шаклида қўйилади, ёзма ҳарфларнинг устига эса тулқинсимон чизик (˘) шаклида қўйиш қабул қилинган. Бу — қоида, уни ўзгартириш ёхуд ўрнига бўлар-бўлмас чизиклар қўйиш эса қоидага қилоф ҳисобланади.

Қисқартириб ёзишда ҳам мунозарали ўрин борга ўхшайди. Тўғри, автомобиль ёпилишларини қўйиш шохобчаси

